


Йиллик өкимнинг ўзгарувчанлиги



РЕЖА:

- Дарё оқимини йил ичидага тақсимланиши. Ўзгарувчанлик коэффициенти
- Йиллик оқим ўзгарувчанлиги ва йил ичидага тақсимланишини кузатиш маълумотлари мавжудлигига, маълумотлар етарли бўлмагандага ва умуман бўлмагандага ҳисоблаш
- Дарёларнинг максимал оқими . Ҳисобли максимал сув сарфлари

Дарё оқимининг йил давомида тақсимланиши.

- *Дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини ўн куналиклар, ойлар, фасллар, мавсумлар бўйича ўрганиш мумкин. Мазкур муддатлар бўйича оқимниг тақсимланиши гарёнинг тўйиниш манбаларига боғлиқ бўлиб, шу гарё сув режимининг хусусиятларини ўзида акс эттиради.*
- *Маълум муддатлар (декага, ой, фасл) бўйича оқимниг йил ичида тақсимланишини йиллик оқимниг умумий миқдорига нисбатан ҳиссаларда ёки фоизларда ифодалаш мумкин.*

Йилнинг исталган муддати учун дарё ҳавзасининг сув мувозанати тенгламаси

- *Маълумки, йилнинг исталган муддати учун дарё ҳавзасининг сув мувозанати тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:*
$$Y_i = X_i - Z_i \pm U_i$$
- *бу ерга: Y_i - берилган муддат ичидаги оқим миқдори; X_i - шу муддат ичида ҳавзага ёққан атмосфера ёғинлари миқдори; Z_i - буғланиш миқдори; $\pm U_i$ - шу муддат ичида намликнинг тўпланиши ёки сарфланиши.*

Гидрологик йил

- Ўрта Осиё дарёлари ҳавзасида куз ва қиши фасларида намлик тўпланиб, сарфланиш асосан баҳор ва ёз ойларида кузатилади. Шу туфайли дарёлар сув режимини ўрганишда баъзан календар йил ўрнига гидрологик йилдан фойдаланилади.
- Гидрологик йил намликнинг тўпланиш ва сарфланиш циклини тўла қамраб олади. Ўрта Осиё дарёлари учун гидрологик йил боши сифатида 1 октябр қабул қилинган

Оқимнинг йил ичида тақсимланиши

- ✓ Ҳавзага ёғин фақат ёмғир кўринишида ёғса, дарё оқими унинг йил ичида тақсимланишини тақрорлайди.
- ✓ Ҳавзага ёғадиган ёғиннинг маълум қисми қор кўринишида ёғса, қор қоплами ҳосил бўлиб, фақат ҳаво ҳарорати илигандагина оқим ҳосил бўлади, бундай дарёларда оқимнинг 70-90 фоизи баҳорга тўғри келади.
- ✓ Қиши узоқ давом этадиган шимолий ҳудудларда эса тўлинсув даври ёзга тўғри келиб, оқимнинг асосий қисми ҳам шу даврда оқиб ўтади.
- ✓ Баланд тоғлардан бошланадиган дарёларда, шу жумладан Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмидаги ирмоқларида оқимнинг йил ичида тақсимланиши ҳаво ҳароратининг йиллик ўзгаришига мос тушади. Дарёнинг тўйинишида ер ости сувлари ҳиссасининг катта бўлиши, ҳавзада кўлларнинг мавжудлиги ҳам оқимнинг йил давомида бир маромда тақсимланишига таъсир этади.
- ✓ Оқимнинг йил давомида тақсимланишига кўлнинг таъсирни даражаси унинг ўлчамларига, шаклига, сув ҳажмига, кўлдан сувнинг оқиб чиқиш шароитига ва бошқаларга боғлиқдир.

Йиллик оқим үзгарувчанлиги.

- Дарёларнинг оқим миқдори доимий бўлиб қолмасдан, хар йили үзгариб туради. Бундай үзгаришни гидрологик ҳисоблашларда қуидаги үзгарувчанлик (варнация) коэффициенти билан ифодаланади ($n < 30$ бўлганда) ва C_v билан белгиланади:
$$C_v = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (k - 1)^2}{n - 1}}$$
- бу ерда: C_v үзгарувчанлик коэффициенти, унинг қиймати $0 \div 1,00$ га teng.

Модуль коэффициенти

- К- модул коэффициенти: $K = \frac{Q_{yp.\ddot{y}}}{Q_0}$
- Модуль коэффициентининг хар йилги қиймати дарёning сувлилигини ифодалайди: $k > 1$ серсув, $k <$ камсув, $k = 1$ сувлилиги ўртача йил.

Қор сувларидан тўйинадиган дарёлардаги оқим ўзгарувчанилиги

- Ўзгарувчанлик коэффициенти дарёнинг маълум бир сув ўлчаш жойи бўйича айрим давр учун ҳисобланади.
- Унинг қиймати дарёнинг тўйиниш манбаига, дарёнинг сув йиғилиш ҳавзасининг ўртacha ўлчангандигига боғлиқ.
- Бизга маълумки, Ўрта Осиёning барча дарёлари асосан қор сувларидан тўйинади. Демак, кўпчилик дарёларда, айрим дарёда канча сув бўлиши тоғлардаги қор сувлари захирасига боғлиқ.

Музлик-қор сувларидан түйинувчи дарёларда оқим миқдори

- Музлик-қор сувларидан түйинувчи дарёларда оқим миқдори кам үзгаради.
- Бундай дарёларда йиллик оқим үзгарувчанлиги коэффициенти күпинча 0,10-0,15 орасида бўлади.

Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар ўзгарувчаник коэффициенти

Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар (Норин, Чирчик, Сирдарё, Коғирниҳон ва Сурхандарё ҳавзаларидағи кўпчилик дарёлар ва б.) кўпинча 0,15 дан 0,25 гача бўлган ўзгарувчаник коэффициентига teng.

Сув йиғилиш ҳавзалари паст жойлашган, мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари билан тўйинувчи дарёларда оқим ўзгарувчанлиги

- Сув йиғилиш ҳавзалари паст жойлашган, мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари билан тўйинувчи дарёларнинг оқими, у йилдан бу йилга энг кўп ўзгариб туради.
- Чунки бу дарёларнинг тўйиннишида хар йили мавсумий қорларнинг ахамияти катта. Бундай дарёларда (Қашқадарё, Охангарон, Арис, Калас ва шу каби дарёларда) C_v одатда 0,25 дан катта ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.
- Сойларда йиллик оқим миқдори янада кўпроқ ўзгарувчан бўлади ва C_v қиймати 1,00 га яқинлашиб қолади.
- Шундай қилиб, Ўрта Осиё дарёларида ўзгарувчанлик коэффициенти 0,08-0,60 орасида бўлиши кузатилади.

Моментлар

Узок муддатда
кузатиш
маълумотлари
мавжудлигида,
ўзгарувчанлик
коэффициенти

Хақиқатда
энг кўп
ўхашалик

Уч параметри
гамма-
тақсимланиш
усуларида
ҳисобланади.

Кузатиш йиллари етарли бўлмаганда, ўзгарувчанлик коэффициенти

Кузатиш йиллари етарли бўлмаганда,
ўзгарувчанлик коэффициенти:

- аналитик,
- графоаналитик ва
- график усуллари билан кузатиш қаторини кўпайтириш, ўхаш-ҳавзанинг кўп йиллик кузатиш қаторида олиб борилади.

Йиллик оқимнинг ўзгарувчанлик коэффициенти кузатиш маълумотлари умуман бўлмаганда

Йиллик оқимнинг ўзгарувчанлик
коэффициенти кузатиш маълумотлари
умуман бўлмаганда C_v нинг изочизиқлари
харитасидан ёки эмпирик формулалар
ёрдамида аниқланади.

Дарёларнинг максимал оқими.

- Энг катта қийматдаги сув сарфлари деб йил давомидаги сув тўлин ёки сув тошкини пайтида кузатиладиган энг катта сув сарфига айтилади ва у Q_{max} билан белгиланади.
- Максимал сув сарфлари бир онли, бир соатли муддатда кузатилган ва ўртacha кунлик бўлиши мумкин. Пайдо бўлиши, жихатдан максимал сув сарфлари шиддатли ёмғирлар, қор ва музликларнинг шиддатли эриши ёки бўлмаса, уларнинг биргаликда қатнашишидан ҳосил бўлиши мумкин.
- Дарё, сойларда максимал сув сарфи кузатилганида, сув тошкини содир бўлиб, сувнинг лойқалиги ошади. Сел оқими максимал оқимдан фарқ этиб, улар одатда тоғли жойларда вужудга келадиган тошлар аралаш лойка оқимдан иборатдир.
- Гидротехника иншоотини лойихалашда энг муҳим ва маъсулиятли ишлардан бири ҳисобли максимал сув сарфини белгилашдир.
- Гидроузел иншооти орқали оқиб ўтишига мўлжалланган сув ҳисобли максимал сув сарфи деб аталади. Максимал сув сарфларининг миқдорига қараб туғон, сув йиғиб, сунгра уни тарқатувчи иншоотларнинг ўлчамлари, темир йўл, автомобиль йўлларидағи куриладиган кўприкларнинг баландлиги ва бошқалар белгиланади.

Ҳисобли максимал сув сарфи

- Ҳисобли максимал сув марфи миқдорини ошириб юбориш гидротехника иншоотини қуриш бўйича бехуда харажатларни кўпайтиради ва уни рентабелигини камайтиради, аксинча уни пасайтириш иншоотини сув тошқинидан бузилишига сабаб бўлади.
- Демак, дарёларнинг максимал оқимини ҳисоблашда бир вақтнинг ўзида иккита шартни бажариш керак: иншоотни ишлатиш пайтида унинг хавсизлигини таъминлаш ва унинг иқтисодий унумдорлигидир.

Ҳисобли максимал сув сарфларини белгилаш

- Ҳисобли максимал сув сарфларини белгилашда уларнинг ҳосил бўлиш сабабларига эътибор берилади.
- Ўзининг ҳосил бўлиши бўйича максимал сув сарфлари мавсумий қорнинг эриши натижасида пайдо бўлувчи тўлин сув даври максимал сув сарфлари; ёмғир сувлари ва аралаш хам қор ва ёмғир сувлари туфайли ҳосил бўлувчи тошқин сув давридаги максимал сув сарфлари.